O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
TOSHKENT VILOYATI
BEKOBOD SHAHAR
HOKIMI

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
БЕКОБОД ШАҲАР
ҲОКИМИ

110500, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, Ғ. Ғулом кўчаси- 1-уй, тел.: (0-370) 214-01-00, 913-26-73

Bekobod sh.

QAROR
РЕШЕНИЕ

№ 14 2019 й. "15" январь

Тракторлар, трактор тиркамалари, мелиоратив техника ва ўзи юрар машиналар, қишлоқ хўжалиги машиналари, машина трактор парклари, устахона ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини 2019 йил учун мажбурий йиллик техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 07 майдаги ПҚ-3699-сон "Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуннинг 6, 25-моддаларига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Шаҳардаги мулкчилик шаклидан қатъий назар (шаҳар Мудофаа ишлари бўлими, шаҳар Ички ишлар бўлимидаги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида банд бўлмаган техникаси бундан мустасно) корхона, ташкилотларидаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техниканинг, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктлари асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш бўйича комиссия таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини 2019 йил учун йиллик техник кўрикдан ўтказиш учун иш режаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини йиллик техник кўрикдан ўтказиш жорий йилнинг 1 август кунига қадар тугатилсин.

4. Ушбу қарор ижросини таъминлаш ва техник кўрикдан ўтказиш учун пул йиғимлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ундирилишини

таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминланиши устидан назорат қилиш инспекциясининг Бекобод туманлараро техника холати ва агро техник тадбирларни назорат қилиш шўъбаси катта инспектори (М.Анваров)га юклатилсин.

5. Шаҳар ҳокимининг 2018 йил 19 апрелдаги 288-сон "Тракторлар, трактор тиркамалари, мелиоратив техника ва ўзи юрар машиналар, қишлоқ хўжалиги машиналари, машина трактор парклари, устахона ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини 2018 йил учун мажбурий йиллик техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида"ги қарори ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.

6. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

7. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокими ўринбосари Э.Норбутаев зиммасига юклатилсин.

Бекобод шаҳар ҳокими 3924 **З.Ж.Файзуллаев**